
Савол Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига қандай ижтимоий имтиёзлар бор?

Савол беринг жавоб берамиз рукнидан

Савол Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига қандай ижтимоий имтиёзлар бор?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан Ҳарбий хизматчиларга қуйидаги ижтимоий кафолатлар берилади:

- ипотека кредити бўйича дастлабки бадал улар учун киритилган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига хизмат турар жойидан (мавжуд бўлганда) фойдаланиш ҳуқуқи ёхуд тўлиқ 12 ойгача бўлган муддатда турар жой ижарага олинганлиги (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқи;
- якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ер участкасини мустақил ўзлаштириш даврида хизмат турар жойидан (мавжуд бўлганда) фойдаланиш ҳуқуқи ёхуд тўлиқ 24 ойгача бўлган муддатда турар жой ижарага олинганлиги (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқи.

5. Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

6. Қонунчиликка кўра, Ўзбекистон ОТМ талабаларига ҳарбий хизматни ўташ учун академик таътил берилиши мумкин.

Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, жумладан, ҳарбий хизматни ўташ учун – **ҳарбий хизматни ўташ муддатига** берилади.

7. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

8. Ҳарбий хизматни ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ўтаган пенсия ёшидаги шахслар амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга.

9. Ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гурӯх уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга темир йўлларда йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) тақдим қилинган.

Данғара тумани

Адлия бўлими бошлиғи

Шукурулло Тиллаев